

# ЮРТИМИЗНИНГ ШИМОЛИЙ ДАРВОЗАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

ишлардан катта бўлса катта, аммо кичик эмас. Шунинг учун ҳам қорақалпоқ халқи Ислом Абдуғаниевични ўз туғишганидан ортиқ кўради...

Қорақалпоғистон ҳаётидаги бугунги ўзгаришлар бу ҳақиқатни тасдиқлайди. Буни ҳатто биргина Нукус шаҳри мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Лекин оқсоқол академигимиз 1989 йилнинг ёзини бежиз ёдга олган эмас, бу ўзгаришларнинг таъмал тоши асли ўша даврда қўйилган.

Давлатимиз раҳбарининг Қозоқдарё овулига ташрифи одамлар доимий етишмовчилик ва навбатда туришлардан, муаммо қўйиш ва сафсата сотишлардан, нотинчлик ва беқарорликдан ғоят чарчаган оғир пайтга тўғри келади. Ўшанда орадан кўп ўтмай, собиқ иттифоқ Олий Советининг навбатдаги сессияси иш бошлаган. Ислом Каримов ушбу анжуманда Орол фожиаси бутун бир минтақа аҳли ҳаётига таҳдид солаётганини қайд этиб, фақат амалий ишларгина ҳалокатли вазиятдан олиб чиқиши мумкинлигини алоҳида таъкидлайди.

Худди шу кезларда Орол бўйида дарахтзор ҳудудлар яратиш, Устюрт коллекторларини таъмирлаш ишлари бошланади. Қисқа вақт ичида 220 та тоза сув чиқарадиган қурилмалар барпо этилади. Пахта экиладиган 25 минг гектар ер томорқа сифатида одамларга бўлиб берилади, шу тариқа 90 минг оила шахсий томорқа хўжалигига эга бўлади.

1989 йилнинг ўзида минтақа аҳолиси тўлиқ тиббий кўрикдан ўтказилиб, қарийб 400 минг кишига медицина ёрдами кўрсатилади.

"Совет Ўзбекистони" газетаси ўша йилнинг охирига қадар ғоят ноёб бўлмиш Туямўйин — Нукус ва Тахиатош — Қўнғирот сув тармоғининг биринчи навбати ишга туширилиши, Нукус, Тахиатош ва Хўжайли шаҳарлари ичимлик суви билан таъминланиши кўзда тутилгани ҳақида ёзади. 19 сентябрь куни мазкур газета Туямўйиндан Нукусгача бўлган 243 километр узунликдаги сув тармоғи қурилиши қизғин тус олгани, ҳозиргача 100 километр масофага қувурлар ётқизилгани, айни пайтда шаҳар ва қишлоқларда сув узатиш тармоқлари яратилиб, Туямўйинда кўтарма насос станцияси барпо этилаётгани ҳақида ҳикоя қилади.

Эндиликда мана шу сув тармоқлари янада кенг қулоч ёйиб, Қорақалпоғистондаги деярли ҳар бир хонадонга ичимлик суви кириб борганига гувоҳ бўлиб турибмиз. 2000-2003 йиллар давомида 540 километр узунликдаги ичимлик суви тармоқлари қурилгани тўқсонинчи йилларда бошланган ишлар жадал давом этаётганини кўрсатади.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан мамлакатимиздаги тўнғич қўшма корхона — "Катекс" ҳиссадорлик жамияти ҳам Нукус шаҳрида қад ростлаган. 1992 йили унинг пойдеворига биринчи ғишт қўйилган, кейинги йил эса корхона ишга туширилган. Шу тариқа хомашёга ихтисослашган ўлкада ўз маҳсулотини ишлаб чиқариш жараёни бошланган.

Ҳиссадорлик жамияти тайёрлаётган тўқимачилик саноати маҳсулотлари сифатли ва бежирим, шу боис унга диёримизда ҳам, хорижда ҳам талаб катта...

1992 йилнинг сентябрида шаҳарда яна бир йирик корхона — Нукус ун заводи иш бошлади. Швейцариянинг "Бюллер", Германиянинг "Винклер" фирмалари ускуналари билан жиҳозланган ушбу корхона бир кеча-кундузда 130 тонна донни қайта ишлаш қувватига эга. Ҳозир бу ерда 200 киши меҳнат қилади, улар аҳолини сифатли ун билан таъминлаб қолмай, нон ва макарон маҳсулотлари ҳам ишлаб чиқаради.

Италиянинг замонавий ускуналари билан жиҳозланган Нукус мармар заводи тайёрлаётган қурилиш материаллари, пардозланган мармар плиталар ўзининг кўркамлиги ва юксак сифати билан алоҳида ажралиб туради.

— Халқимиз йўл қурган одамни доимо эъзозлаган, кўприк қуришни савоб деб билган. Чунки йўллар одамларнинг узоғини яқин, оғирини енгил қилади, тақдирларни, авлодларни бир-бирига боғлайди, — дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, ёзувчи Ўрозбой Абдураҳмонов. — Темир йўлдан саноатлашаётган ҳаёт нафаси келиб туради. Одамзот эришган алоқа воситалари ичида пўлат излар ўзининг оммабоплиги, самарадорлиги, арзонлиги ва ишончлилиги билан муҳим аҳамият касб этади.

Шу маънода, Юртбошимизнинг ташаббуси билан бунёд этилган Навоий — Учқудуқ — Султон Увайстоғ — Нукус темир йўлини Ўзбекистонимиз белидаги олтин белбоққа қиёслаш ўринлидир. Бу йўл Қорақалпоғистон марказини бутун мамлакат билан чамбарчас боғлади, элнинг узоғини яқин қилди. Шу билан бирга, Қизилқум саноат минтақаси ва Устюрт корхоналари ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатилди, халқ хўжалиги учун қулай транспорт хизмати яратилди.

Бу йўлни қуришга 1994 йили киришилган эди. Ўшанда Султон Увайстоғ тизмаларидаги Ўғрисой этакларига миллионлаб кубометр тупроқ ётқизилган...

Тоғу тошларни кесиб, темир йўл олиб ўтиш осон бўлмаган, албатта. Бугун ўша қорли-қировли кунларда минг машаққат билан амалга оширилган ишлар тарихга айланди. Барпо қилинган иншоот эса мамлакатимиз салоҳиятини ўзида намоён этиб, одамларга ризқ улашмоқда, турмуш фаровонлигига хизмат қилмоқда. Йўл бўйлаб шаклланаётган инфратузилма минглаб ёшларнинг иш билан банд бўлишига замин яратмоқда.

Шу ўринда Амударё узра бунёд этилаётган ва тез кунлар ичида ишга тушириладиган маҳобатли кўприк қурилишига ҳам тўхталиб ўтиш жоиздир. Умумий қиймати 50 миллиард сўмдан ортиқ бўлган ушбу ноёб иншоот бир вақтнинг ўзида поезд ҳамда автомобиллар ҳаракатини таъминлаш салоҳиятига эга. Узунлиги қарийб бир километрни ташкил этган бу иншоот, айтиш керакки, Ҳайратон кўпригидан йирик ва улуғвордир.

Қўнғирот йўли мамлакатимизни Европага олиб чиқувчи шимолий магистрал ҳисобланади. Яқинда ишга туширилган, Нукус шаҳри билан Хўжайли туманини ўзаро боғлаб турган муаззам кўприк мана шу йўлнинг таркибий қисмини ташкил этади. Бу иншоот йўловчиларга қулайлик яратиб қолмасдан, транспорт ҳаракатини мўътадиллаштирди ва ёнилғи тежалишига замин яратди.

Бугун Нукус шаҳрида бўлган одам кўчалар кенгайгани ва чирой очганининг, янги кошоналар ва замонавий турар жой бинолари, музей ва хиёбонлар барпо этилганининг, бир сўз билан айтганда, беқиёс бунёдкорлик ишлари амалга оширилганининг гувоҳи бўлади. Айниқса, аэропортга олиб чиқувчи магистрал йўл ўзининг кўркамлиги ва баҳаволиги билан ҳар қандай кишининг ҳавасини келтиради. Унинг икки томони хиёбондан иборат. Аэропорт эса халқаро андозалар даражасида қайта таъмирланиб, ўзига хос меъморий жозиба касб этган.

— Истиқлол даврида янги шифохоналар, юздан ошиқ қишлоқ врачлик пунктлари бунёд этилди, шу билан бирга, марказий шифохона, шошилинч тиббий ёрдам маркази биноси тубдан қайта таъмирланди, — дейди Ўзбекистон Қаҳрамони, Акушерлик ва гинекология илмий тадқиқот институти Нукус филиали клиникасининг туғуруқхона бўлими мудири Онесия Саидова. — 1997 йили Нукусда Скрининг маркази ташкил этилди. Республика туғуруқхонаси эса "Дельфия" ташхис қўйиш ускуналари билан жиҳозланди. 1999 йили шаҳримизда 300 ўринли маслаҳат поликлиникаси, Оналик ва болаликни муҳофаза этиш маркази очилди. Бизнинг клиникамиз Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан "Чақалоққа меҳрибон клиника" сифатида баҳоланган. Бугун Нукусда мана шундай тиббий даргоҳлардан иборат ўзига хос шаҳарча вужудга келди, десак, муболаға бўлмайди. Ўлкамизда спорт-соғломлаштириш ишлари ҳам изчил йўлга қўйилган, ҳозир 28 та спорт мактаби фаолият кўрсатмоқда. Собиқ иттифоқ даврида бундай амалий меҳрибончиликни фақат орзу қилиш мумкин эди, холос.

Давлатимиз раҳбари XXI аср — интеллектуал ёшлар асри бўлишини алоҳида таъкидлаган. Дарҳақиқат, эндиликда кишилик жамияти тараққиётини теран тафаккур, ақл-заковат ва илмий салоҳият белгилайди. Масалага шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, айтиш керакки, тўқсонинчи йилларда ҳам Қорақалпоғистон Республикаси мактабларининг битирувчи синф ўқувчилари олий ўқув юртларига киришда ҳавас қилгулик натижага эриша олмаган. Кейинги йилларда эса бу борада қувончли ўзгаришлар рўй берди. Ўқувчиларга чет тилларни, рақс, мусиқа ва тасвирий санъатни, компьютер саводхонлиги асосларини ўргатувчи махсус гуруҳлар ташкил этилди. Бизнес мактаблар фаолияти яхшиланди. Натижада 2002 йили абитуриентларнинг олий ўқув юртларига кириши бўйича Қорақалпоғистон Республикаси мамлакатимизда учинчи ўринга кўтарилди. Бунда куни кеча замонавий янги бинога кўчиб ўтган Таълимни ривожлантириш марказининг ҳам ўзига хос улуши бор, албатта. Бу масканда мингдан ошиқ қорақалпоқ болалари инглиз тилини ўрганмоқда, бизнес сирларидан сабоқ олмоқда, спорт билан шуғулланиб, ҳар томонлама чиниқмоқда. Айни пайтда улар хорижда бўлиб, ўз билимларини янада ошириб келмоқда.

Бундан ташқари, республикада 4 та академик лицей ва 49 та касб-ҳунар коллежи эртанги кунимизнинг муносиб ворисларини тарбиялаб, вояга етказмоқда.

Ўтган йили Кегайли қурилиш коллежи талабаси Фазу Шержонова Зулфия мукофоти соҳибаси бўлгани, Нукусдаги "Сарвиноз" ансамбли раққосаси Дилфуза Бекембетова "Ниҳол" мукофоти билан тақдирлангани, Нукус шаҳридаги 32-мактаб ўқувчиси Рустам Султонов математика бўйича халқаро олимпиадада олтин медални қўлга киритгани, ёш мусаввир Саидбек Собирбоевнинг Ҳиндистонда бўлиб ўтган "Шанкар" халқаро танловида кумуш медаль билан тақдирлангани, университет талабаси Бахтиёр Нуруллаев эса оғир атлетика бўйича Осиё чемпионатида шоҳсупага кўтарилгани қорақалпоқ ёшлари ойдин келажак сари дадил интилаётганидан далолат беради.

— Умримнинг асосий қисми Нукус шаҳрида ўтган, унинг кечаги манзаралари шундоқ кўз олдимда турибди, — дейди Қорақалпоғистон халқ артисти Кенесбой Сержанов. — Кўп йиллар давомида Бердақ номидаги мусиқали драма ва комедия театрида хизмат қилганман. Ишонасизми-йўқми, саратоннинг жазирама кунларида ҳам театримиз биноси зах босиб ётар эди. Мана шундай нобоп шароитда ижод қилишга тўғри келарди. Яқинда бу бино тубдан қайта таъмирланди. Санъат аҳли учун керак бўлган барча шарт-шароит ва қулайлик яратиб берилди. Инсонга яна нима керак? Ҳозир ўлкамизда 21 та бадиий санъат ва мусиқа мактаби фаолият кўрсатмоқда. Буларнинг барчаси санъатга эҳтиром ва иқтидорли ёшлар келажагига қайғуриш ифодасидир.

Давлатимиз раҳбарининг бевосита кўрсатмаси асосида Нукусда яна бир муҳташам кошона барпо этилди. Қорақалпоғистон давлат санъат музейининг янги биноси ўзининг ноёб ва замонавий меъморий ечимига эга. Бу иншоот ҳар жиҳатдан мукаммал экани билан кишини ҳайратга солади.

— Биз неча ўн йиллардан буён мана шундай санъат саройига эга бўлишни орзу қилганмиз, — дейди музей директори Мариника Бобониёзова. — Ниҳоят, орзумиз рўёбга чиқди, энди шунга муносиб ишларга қадар қилишимиз даркор. Ҳозирга қадар музейнинг кўчма кўргазмалари Франция, Германия каби қатор мамлакатларда намойиш этилди. Қадимий халқимизнинг амалий санъати намуналари, 20-30 йилларда яратилган авангард рассомлар ижоди жаҳон халқларида катта қизиқиш уйғотмоқда. Умид қиламизки, бу даргоҳ санъатга ошуфта ёшларни ўз бағрига чорлаб турадиган, уларни гўзалликка ошно этиб тарбиялайдиган йирик маданият марказига айланади.

Санъат музейини барпо этиш учун 2 миллиард 23 миллион сўм маблағ сарфланди. Шунингдек, олтита янги турар жой биноси, троллейбус тармоғининг биринчи ва иккинчи навбатлари, спорт мажмуалари, амфитеатр, усти ёпиқ бозор қурилди ва ишга туширилди. Ўйлаймизки, ушбу мисоллар шаҳар ободончилиги йўлида амалга оширилган эзгу ишлар салмоғини ўзида яққол ифода этади.

Нукуснинг чиройига чирой қўшиб турган яна бир обида — Бердақ музейидир. Шу билан бирга, Улуғбек, Ажиниёз, Бердақ ҳайкаллари ва уларнинг номидаги хушманзара хиёбонлар барпо этилдики, булар барчаси улуғ аждодларимизга, тарихимизга бўлган чексиз эҳтиромни ўзида мужассам этади.

— Кеча биз ким эдик, бугун ким бўлдик? Нукус кеча қандай эди, бугун-чи? Ёдимда, бу шаҳар яқин-яқинларда ҳам арава юрадиган тор кўчалардан, тартибсиз қуриб ташланган пастак уйлардан иборат эди, — деб ҳикоя қилади Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ ёзувчиси Тўлапберген Қаипбергенов. — Шаҳримиз мисли кўрилмаган даражада ўзгарди. Бугун сиз Президент трассаси деб ном олган кенг ва равон кўчани бир айланиб чиқинг, баҳри-дилингиз очилади. Юртбошимизнинг ғамхўрлиги туфайли Орол бўйидаги мана шу қалъа том маънода мамлакатимизнинг муҳташам шимолий дарвозасига айланди, бу эса халқимизнинг руҳини кўтариб юборди. Бугун диёримизда чинакам байрам. Мен мана шундай кунларга етказгани учун шукроналар айтаман, ғурурланаман...

Агар, биз 2001-2002 йилларда бутун мамлакатимизда, хусусан, Қорақалпоғистон ва Хоразмда қурғоқчилик ҳукм сурганини, бу эса мавжуд қийинчиликларни янада оғирлаштирганини инобатга олсак, Нукус шаҳридаги беқиёс ўзгаришлар ўз-ўзидан бўлмагани кундай равшанлашади. Айтиш керакки, ўша оғир ва машаққатли кунларда давлатимиз раҳбари қурғоқчиликдан азият чеккан минтақа аҳолисининг оғирини енгил қилишга бутун диққат-эътиборни қаратди, юртдошларимиз бир-бирини астойдил қўллаб-қувватлади ва бир тан, бир жон бўлиб, табиат қийинчиликларини мардона енгиб ўтди. Бугун мана шу ҳиммат ва олижаноблик, бирдамлик ва меҳр-оқибат Нукус шаҳри кўчаларига файзу таровот бағишлаб турибди, десак, асло хато бўлмайди.

**Ғаффор ҲОТАМОВ,**
**Озод РАЖАБОВ.**





## Сессия акс-садоси

*Эркин фуқаролик жамиятида қонун ижтимоий кучлар ва муносабатларни маълум тартиб-қоидаларга риоя қилишга йўлловчи манба ҳисобланади. Унинг устуворлиги таъминланган мамлакатда аҳолининг турмуш даражаси яхшиланиб бораверади. Албатта, ҳаёт бир жойда тўхтаб қолмайди. Яъни, жамият тараққий этгани сари янгича қарашлар юзага келади. Бунинг таъсирида янги қонунлар қабул қилишга эҳтиёж туғилади. Янги қонун эса жамият ривожига янги куч сифатида кириб келади.*



# ЯНГИ ҚОНУН — ЯНГИ КУЧ

Дунёнинг тараққий этган мамлакатлари тарихидан маълумки, жамиятда демократиянинг ривожланиши кўп жиҳатдан парламентнинг қандай мавқега эгалиги билан боғлиқ. Президент Ислом Каримов ташаббуси билан жамиятни янада демократлаштириш ва эркинлаштириш ҳамда миллий давлатчиликни шакллантириш мақсадида икки палатали парламент барпо этишга катта пойдевор қўйилмоқда. Хусусан, мамлакат парламентида депутатларимиз томонидан "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида"ги Конституциявий қонунлар қабул қилинган эди. Яқинда бўлиб ўтган иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг XII сессиясида ҳам икки палатали парламентга оид ҳуқуқий ҳужжатларни тўлдирадиган қонунлар қабул қилинди. Бу мамлакатимизни ривожлантириш янги босқичга кўтарилганидан, конституциявий ислоҳотлар ўтказилаётганидан далолат беради.

Демократик тамойилларга асосланган жамиятда хоҳ маҳаллий, хоҳ мамлакат миқёсида бўлсин, сайловларнинг эркин ва тенг ҳуқуқлар мезонида ўтиши айни қонунда қандай белгиланганига боғлиқ. Шу жиҳатдан қараганда, ўн иккинчи сессияда депутатларимиз қизғин муҳокамадан сўнг қабул қилган "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги (янги таҳрир) Қонунни эркин жамият қуриш йўлида ташланган янги қадам дея баҳолаш мумкин. Юртдошларимиз мамлакат қонун чиқарувчи органи депутатлигига қўйилган номзодлар орасидан дунёқараши кенг, илми ва иш тажрибаси етарли бўлган инсонларга овоз бериб янглишмаганига бугун амин. Эндиликда янги қонун билан танишган, овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган фуқаролар сайловлар арафасида "кўприк қуриб бераман, газ тушириб бераман" дегувчи номзодларнинг ширин ёлғонига учмайди. Сессия ишини кузатган ҳар бир юртдошимизнинг ишончи комилки, мазкур қонун мамлакат парламентига бўладиган сайловларнинг аниқ меъёрий жиҳатларини ўз ичига қамраб олган. Унда Қонунчилик палатасига номзодлар кўрсатиш, уларни рўйхатга олиш, сайловолди ташвиқоти олиб бориш, овоз бериш ва сайлов натижаларини аниқлаш, такрорий овоз бериш, такрорий сайлов ўтказиш, қонунчилик палатаси депутатларини рўйхатга олиш ва сайлов якунларини эълон қилиш тартиблари белгиланган. Номзодларнинг сайловчилар билан сайловолди ташвиқот ишларида нафақат сиёсий партиялар, балки ташаббускор гуруҳлар ҳам оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишлари мумкинлиги кўрсатилган.

Мустақиллигимизни янада мустаҳкамлаш мақсадида сайлов тўғрисидаги миллий қонунчилик ҳужжатлари янада такомиллаштирилмоқда. Сир эмас ҳозиргача Маҳаллий кенгашлар депутатлигига беписандлик билан қараш сақланиб қолган. Навбатдаги чақириқдан бошлаб бундай муносабатлар барҳам топишига шубҳа йўқ. «Нега?» дейсизми? Ўн иккинчи сессияда "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонун қабул қилинди. Гап шундаки, янги қонунга кўра, бундан буён халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари ўз таркибидан Олий Мажлиснинг юқори палатаси аъзоларини — сенаторларни сайлайдилар. Демак, аввалига маҳаллий кенгашга сайланган депутат кейинчалик юқори палатада ўтириши мумкин. Бундан парламентда давлат аҳамиятига молик муҳим масалаларни ҳал этишда аҳолининг турли қатламлари ва минтақаларнинг манфаатларини тўлароқ инобатга олиш кўзда тутилган.

Олий Мажлис навбатдаги чақириқдан бошлаб икки палатали парламент шаклида фаолият бошлайди, деяпмиз. Хўш, бунинг қандай аҳамиятли томонлари бор. Аввало икки палатали парламент шароитида қонун яратувчилик профессионал даражага кўтарилади. Ундан ташқари Олий Мажлиснинг ҳозирги фаолиятига қараганда, парламентнинг Юқори палатаси — Сенатнинг ваколат доираси анча кенгаяди. Бу дегани, жаҳоннинг демократик мамлакатларидаги сингари шаклланган парламент вужудга келади. Яқинда ўз ишини якунлаган ўн иккинчи сессияда "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида"ги ҳамда "Ўзбекистон Республикаси Сенатининг Регламенти тўғрисида"ги конституциявий қонунлар ҳам қабул қилинди. Уларда ҳар икки палатанинг иш тартиби, ташкилий хусусиятдаги турли масалаларни ҳал этиш қоидалари аниқ-тиниқ белгиланган.

Мамлакат қонун чиқарувчи органи янги шаклга эга бўлаётган бир пайтда ҳокимиятнинг ҳуқуқий мақомида ҳам шундай янгиланиш талаб қилинади, албатта. Айнан шу сессияда "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида"ги Қонун лойиҳаси ҳам депутатлар муҳокамасидан сўнг қабул қилинди. Миллий парламент ҳамда ҳукумат фаолиятини белгиловчи қонун ҳужжатларини шакллантиришдан асосий мақсад — мамлакатимизда халқчил ва демократик ҳокимият барпо этиш. Демак, жамият янгиланиш арафасида. Бугун ўзини шу жамиятнинг тўла ҳуқуқли аъзоси деб билган ҳар бир фуқаро мамлакатдаги бундай ўзгаришлардан бохабар бўлмоғи лозим. Эркин фуқаролик жамиятини қуришда ўзини четга тортиб, бепарво туриш ножоиздир. Бу ўринда жамоатчиликнинг фаоллик кўрсатиши айни муддао.

**Худойберди ЭШМАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Музей — ўтмиш ва келажак риштаси

Ҳамза туман халқ таълими бўлимида «Мактаб ва жамоат музейларининг тарихий ва маданий-моддий манбалар билан бойитиш, сақлаш ва ўрганиш муаммолари» мавзуида Республика илмий-амалий анжумани бўлди.

1998 йил 12 январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони қабул қилинган эди. Фармондан кўзланган асосий мақсад юртимизда қадимдан шаклланиб келаётган музейлар фаолиятини янада такомиллаштириш, мактабларда янги-янги музейлар ташкил қилиш, уларни халқнинг маънавий-ахлоқий камолотида тутаётган ўрнини ошириш, хизмат маданиятини яхшилашдан иборат эди. Анжумандан кўзланган асосий мақсад ҳам шу бўлди.

Йиғилишда вилоятларда жойлашган музейларнинг раҳбарлари, тарих ўқитувчилари, илмий ходимлар иштирок этишди. Республика ёш саёҳатчилар ва ўлкашунослар Маркази бош директори У.Парпиев, Мирзо Улуғбек номли ЎзМУ тарихи музейи директори Ж.Ёқубов, Ўзбекистон тарихи давлат музейининг катта илмий ходими, доцент И.Тўхтиев ва бошқалар маърузалар ўқишди.

**К.ЁРИЕВ,**
**ЎзМУ талабаси.**



## ОЗОД ТОНГИМ, ЗАМОНИМ БОР

*Юртим, сенга меҳрим*
*айтсам,*
*Қалбда қўшиқ достоним бор.*
*Яшнаб турган Осиёда,*
*Нукус боғу бўстоним бор.*

*Бир томони Шўрча қалъа,*
*Минг йилларнинг*
*меҳрин сўрар.*
*Бердақ бобо бахтин кўрар,*
*Нукус тахти равоним бор.*

*Тошкент улуғ дарвозаси*
*Ҳам отаси, ҳам оғаси,*
*Жаҳон узра овозаси*
*Кетган давру давроним бор.*

*Юртбоши қўл-қанотидир,*
*Халқининг куч саботидир.*
*Яхши ният — оқ отидир,*
*Нукус жону жаҳоним бор.*

*Саҳрони гулзор айлаган,*
*Темир камарин бойлаган.*
*Авлодин шонга шайлаган,*
*Нукус ойдин осмоним бор.*

*Оқ мармардир узун йўллар,*
*Буюкдир келажак кунлар,*
*Турналардек учар диллар,*
*Озод тонгим,*
*замоним бор.*

*Гулистон дер, Амударё*
*Шовуллаган сирли дунё,*
*Ёши мангуликдан зиё,*
*Нукус ёруғ давроним бор,*
*Баланд тахти —*
*равоним бор.*

**Гулистон МАТЁҚУБОВА,**
**Қорақалпоғистон халқ шоираси.**

*Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармасида оила шифокорлари билим ва малакасини ошириш, оилавий поликлиникалар фаолиятини ривожлантириш масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.*

## Оила шифокорлари семинари

**Тадбирда пойтахтимиз тиббиёт муассасалари вакиллари ва хорижлик мутахассислар иштирок этди.**

**Таъкидланганидек, жаҳоннинг тараққий этган мамлакатлари, жумладан, АҚШда оилавий шифохоналар ва оила шифокорлари тизими кенг йўлга қўйилган. Бундай шифокорлар тиббиётнинг барча йўналишлари ҳақида мукаммал билимга эга бўлиши, беморнинг нафақат жисмоний, балки руҳий ҳолатини ҳам яхши ҳис эта олиши билан ажралиб туриши лозим.**

**Мамлакатимиз тиббиёт тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида оилавий шифо масканлари ташкил этишга жиддий эътибор қаратиляпти. Олий таълим муассасаларида бу йўналишда магистрлар тайёрлаш йўлга қўйилган. Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси оила шифокорлари малака ва маҳоратини юксалтириш, ўзаро тажриба алмашиш мақсадида америкалик мутахассислар билан ҳамкорликда бир қанча лойиҳаларни амалга оширмоқда.**

**Семинарда оила шифокори зиммасидаги масъулият, ундан талаб этиладиган билим ва юксак маҳорат хусусида фикрлашилди. Бу борада АҚШ тиббиёт масканлари тажрибасига оид маърузалар тингланди.**

**Б.ХИДИРОВА,**
**ЎзА мухбири.**

## Хатлар сўзлайди

# МАЛҲАМ БЎЛИШДИ

**ИЗҲОР**

Шу йилнинг июль ойида фарзандимни Республика Фтизиатрия ва пульмонология илмий-текшириш институтига оғир аҳволда олиб келдим. Ҳозир жарроҳлик бўлимида даволанаётган ўғлимнинг аҳволи кундан-кун яхшиланиб бормоқда. Бўлимдаги шифокорларнинг дардга малҳам бўлгувчи ширин сўзлари, бу ердаги тозалик, беморлар учун барча шароитларнинг муҳайёлиги мени қувонтирди. Биргина умидим фарзандим дардига шифо топиб, уйда интизор кутаётган онасининг бағрига қайтса бўлди, дейман. Шоядки, жарроҳлик бўлимининг бошлиғи, профессор Т. Қориев, Ш. Собиров, С. Абулқосимов сингари шифокор, ҳамшираларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли ниятимга етсам.

Мустақил Ўзбекистонимизда соғлиқни сақлаш борасида тинмай изланаётган бу каби тиббиёт ходимларининг мартабаси бундан-да улуғ бўлсин, илоё.

**ОЧИЛДИ ЙЎЛДОШЕВ,**
**Сурхондарё вилояти Олтинсой тумани.**



# БИЗНИНГ АЙБИМИЗ НИМА?

**МУАММО**

Мактабимизни тарк этмаётган муаммолар ҳақида сизга мактуб йўлламоқдамиз. Худабеҳудага пул йиғишлар, ўқитувчиларнинг ҳар йили байрамларда талаб қиладиган «солиқ»лари, мактабда қорасини кўрсатмайдиган ўқувчилар билан ҳеч кимнинг иши йўқлиги, имтиҳонлардан «йиғди-йиғди»лар билангина омон-эсон ўтиб олиниши...Буларнинг бари бизни зериктирди. Дарс деганлари «универсал» ўқитувчилару, етакчи ҳамда кутубхоначилар томонидан берилаверса, ўқувчиларнинг билими нима бўлади? Биз ҳамма тенгдошларимиз сингари олий ўқув юртларига кириб ўқишни, келажакда етук мутахассис бўлишни орзу қиламиз. Бироқ, ўқишимиз шу аҳволда бўлса...

Муаммоларимиз барҳам топишида ёрдам сўраб,

**Фарғона вилояти, Бешариқ тумани, 11-ўрта мактабнинг юқори синф ўқувчилари.**

*Ироқ халқи Саддам Ҳусайн зулмидан озод этилганидан буён беш ойдан кўпроқ вақт ўтди. Шундан бери мамлакатни Л. Пол Бремер бошлиқ коалицион муваққат маъмурият бошқариб келмоқда. Хўш, бу жараён яна қанча вақт давом этади? Муваққат ҳукуматнинг ваколати қачон тугайди? Бугун шу савол кўпчиликни қизиқтирмоқда.*

# ИРОҚНИ КИМ БОШҚАРАДИ?

Шу йилнинг 8 сентябрь куни "Вашингтон пост" газетаси Пол Бремернинг шу мавзудаги материалини эълон қилди. Муаллиф ўзининг "Ироқ мустақиллик йўлида" мақоласида бу мамлакатдаги бугунги вазиятга баҳо беради.



Сўнг Ироқни қачонгача муваққат маъмурият бошқариши мумкинлиги ҳақида фикр юритади.

Ироқнинг бутунлай мустақиллиги йўлида қўйилиши керак бўлган етти қадамнинг учтаси аллақачон ташланди, дейди муаллиф. Икки ой бурун жамиятнинг барча бўғинлари вакиллари иштирокида 25 кишидан иборат Бошқарув кенгаши тузилиши биринчи қадам эди. Бошқарув кенгаши ўтган ойда янги конституцияни ишлаб чиқиш учун тайёрлаш қўмитасини тузди. Бу иккинчи қадам бўлди. Учинчи ва асосий қадам Ироқ ҳукуматининг кундалик фаолиятини ироқликлар қўлига топширилишидир. Ўтган ҳафта Бошқарув кенгаши 25 вазирни тайинлади. Энди ҳар бир вазирликни ироқликлар томонидан тайинланган ироқлик бошқармоқда.

Мақола муаллифининг таъкидлашича, Бошқарув кенгаши томонидан вазифасига қўйиладиган ва вазифасидан озод этиладиган бу вазирлар давлат бошқаруви функциясини бажаради. Улар давлат сиёсатини белгилайдилар. Вазирлар ҳозир 2004 йил бюджети устида иш олиб боришмоқда.

Пол Бремер шундан сўнг бундан буён амалга оширилиши лозим бўлган ишларга тўхталади. Ташланиши керак бўлган тўртинчи қадам Конституцияни таёрлаш, дейди у. Бу муҳим ҳужжатни умумхалқ томонидан ратификация қилиниши Ироқ мустақиллиги йўлидаги бешинчи қадам бўлади.

Албатта, бешинчи қадамдан сўнг олтинчиси ташланиши лозим. Ҳукуматнинг сайланишини биз олтинчи қадам деб ҳисоблаймиз. Конституция ратификация қилингандан сўнг умумхалқ овоз бериш йўли билан Коституцияда кўзда тутилган вазифаларга вакиллар сайланади. Шу сайловдан кейин Ироқда ироқ халқи томонидан сайланган ҳукумат ўз фаолиятини юрита бошлайди.

Сайловдан кейин ўз-ўзидан еттинчи қадамга йўл очилади. Коалицион маъмурият тарқатилиб, унинг барча ваколатлари Ироқ ҳукуматига ўтади.

Мақолада кейинги қилиниши керак бўлган ишларнинг аниқ муддатлари кўрсатилмаган бўлса-да, бир нарса аниқтиниқ айтилган. Муваққат маъмурият ҳукумат тепасида узоқ турмайди. Мамлакатда вазият етилиши билан бутун бошқарув тизими ироқликларга топширилади.

**Беккул ЭГАМҚУЛОВ.**

# ЎЗБЕКИСТОН

## ЖАҲОН МАТБУОТИ НИГОҲИДА

*Мустақиллигимизнинг ўн икки йиллигига бағишланган тантаналари хорижий ОАВларининг юртимизда кечаётган сиёсий-иқтисодий, ижтимоий ислоҳотлар жараёнига бўлган қизиқишининг ортишига сабаб бўлди. Қатор чет эл газеталари саҳифаларида мамлакатимизда ҳукм сураётган байрамона кайфият билан бир қаторда, ўтган давр мобайнида қўлга киритилган ютуқ ва муваффақиятларимизга бағишланган туркум мақолалар чоп этилди.*



Кунчиқар мамлакатнинг етакчи оммавий ахборот воситалари саналувчи «The Japan Times» ва «The Mainichi Times» газеталарида Ўзбекистон Республикаси давлат мутақиллигининг 12 йиллигига бағишланган махсус саҳифалар чоп этилди.

Аввало мазкур нашрлар ҳақида икки оғиз сўз: кунига қарийб 60 минг нусхада нашр қилинадиган «The Japan Times» инглиз тилидаги газеталар орасида энг етакчиси ҳисобланади. 1897 йилдан бери мунтазам чоп этилаётган газета Япониядан ташқари Европа, Осиё ва Америка минтақаларида ҳам ўз ўқувчиларига эга. 1922 йилдан бери нашр этилаётган «The Mainichi Times» газетасининг эса ҳозирги пайтда 100 мингдан зиёд ўқувчиси бор.

Юқоридаги газеталарда эълон қилинган бош мақола «Ўзбекистон барча соҳаларда эришилаётган катта ютуқлардан мамнундир» деб номланади. Унда Президент Ислом Каримов раҳбарлигида республикамизнинг жаҳон майдонида тобора ортиб бораётган мавқеи, Ўзбекистоннинг минтақавий ва халқаро хавфсизлик борасида олиб бораётган ташқи сиёсати, мустақиллик йилларида эришилаётган иқтисодий ютуқларимиз, халқимизнинг бой тарихи ва анъаналари ҳақида сўз юритилади. Мақола, шунингдек, Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги икки томонлама муносабатларнинг тарихи ва бугунги тараққиёти тўғрисида ҳам атрофлича ҳикоя қилади.

«Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2002 йил июль ойида Японияга қилган расмий ташрифи икки томонлама муносабатларда янги босқични бошлаб берди» дейилади мақолада.

Айни пайтда бугунги икки томонлама маданий алоқаларнинг ўзига хос тимсоли бўлмиш Тошкент шаҳрида яқинда барпо этилган «Маданиятлар карвонсаройи» биноси сурати Ўзбекистонга бағишланган саҳифани безаб турибди. Газетада, шунингдек, иқтисодий ҳамкорлик бўйича Япония-Ўзбекистон қўмитасининг раиси, «Mitsui & Co. Ltd.» компаниясининг раиси ва ижрочи директори Н.Оҳаши мақоласи ҳам эълон қилинган. Унда муаллиф республикамизда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотларга юқори баҳо берар экан, жумладан шундай дейди: «Марказий Осиёдаги етакчи мамлакат ҳисобланмиш Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритгач, Президент Ислом Каримов раҳбарлиги остида қатор йўналишларда, хусусан иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш соҳаларида катта ютуқларга эришмоқда».

**Б.АЛИМОВ,**
**«Жаҳон» АА мухбири.**

*Токио.*



Хитойнинг марказий нашрларидан бири бўлмиш "China Daily" газетаси энг улуғ, энг азиз байрамимиз арафасида ўз ўқувчиларини мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар жараёни билан таништирувчи "Ўзбекистон сармоядорларни жалб этмоқда" сарлавҳали мақоласини эълон қилди.

Унда юртимизда 12 йил давомида амалга оширилиб келинаётган босқичма-босқич, изчил иқтисодий сиёсатимиз жаҳон жамоатчилиги томонидан юксак эътироф этилгани қайд этилган.

Мақолада Ўзбекистонда кичик ва ўрта бизнеснинг ривожланиши учун яратилаётган шарт-шароитлар, жадал суръатлар билан давом этаётган хусусийлаштириш жараёни, қулай сармоявий муҳит маҳаллий ҳамда хорижий сармоядорлар қизиқишининг ортишига сабаб бўлаётганлиги таъкидланган.

"Ислоҳотлар жараёнининг кўп қирралилиги Ўзбекистон иқтисодиётининг ривожланишига катта туртки бўлмоқда. Мамлакатда 2003 йилнинг биринчи ярмида ялпи ички миллий маҳсулот 3,8 фоиз, саноат маҳсулотлари 5,5 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш 3,8 фоиз ўсган. Валюта заҳиралари мунтазам ортиб бормоқда. Бу эса, ўз-ўзидан Ўзбекистоннинг юксак иқтисодий салоҳиятга эга эканидан далолат бериш билан бирга, мамлакат иқтисодиётига янгидан янги сармоялар киритилишининг гарови бўлиб хизмат қилади," — деб ёзади газета.

**"Жаҳон" АА.**

*Пекин.*



Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 12 йиллик байрами муносабати билан Ҳиндистонда чоп этиладиган «Socialook International» журналининг сентябрь ойи сони мамлакатимиз ҳаётига бағишланди. Нашр муқовасида Ўзбекистоннинг қутлуғ байрамини акс эттирувчи рангли суратлар «Ўзбекистон: Мустақилликнинг 12 йиллиги» номли сарлавҳа билан журналхонлар эътиборига ҳавола қилинган.

Журнал Ўзбекистонда бўлиб ўтадиган байрам тантаналарига алоҳида эътибор қаратар экан, муқованинг ички саҳифасида бош муҳаррир Б.Гуптанинг мамлакатимиз раҳбарига йўллаган самимий қутловини чоп этган. Журнал муқовасининг биринчи ва тўртинчи бетларини безаб турган турли-туман рангли суратлар, фотолавҳалар эса мамлакатимиз ҳаётини акс эттириш билан бирга, халқимизнинг қутлуғ байрам шукуҳини ҳам ифодалаган.

«Socialook International» журнали бош муҳаррири Б.Гупта Ўзбекистонни яқиндан биладиган кўп сонли чет эллик журналистлардан бири. У 2002 йилнинг январида мамлакатимизда ўтган умумхалқ референдумида халқаро кузатувчи сифатида иштирок этган. Балки шунинг учундир, журналнинг учинчи саҳифасидаги муҳаррирнома «Ўзбекистон: Мустақилликнинг 12 йиллиги» деб номланган ва унда мамлакатимиз мустақилликнинг дастлабки кунларидан то ҳозирги давргача эришган муваффақиятлари атрофлича таҳлил қилинган.

Шунингдек, журналда «Бугунги Ўзбекистон», «Ўзбекистон Республикасида сармоявий иқлим: хорижий сармояларни жалб этишдаги устувор йўналишлар», «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотлар йўлида» ва «Ўзбекистон бадиий академияси» сарлавҳали туркум мақолалар ҳам эълон қилинган.

**Шуҳрат УМИРОВ,**
**«Жаҳон» АА мухбири.**

*Деҳли.*

# ХАЛҚАРО ҲАЁТ

## Янгиликлар, воқеалар, далиллар

### Санкциялар жорий қилинди

***АҚШ президенти Жорж Буш Шимолий Корея, Мьянма ва Кубага нисбатан янги санкциялар киритди. Бунга ушбу давлатлар ҳукуматларининг одам савдосининг олдини ололмаётганликлари сабаб бўлди. Расмий Вашингтоннинг фикрича, ўз мамлакатларида одам савдосига қарши самарали кураша олмаётган давлатлар рўйхатига Либерия ва Судан ҳам киради, аммо уларга нисбатан ҳозирча санкциялар қўлланилмайди.***

*Associated Press.*

### «ҲАМАС» огоҳлантирмоқда

***«ҲАМАС» мазкур ташкилот раҳбарияти аъзоси Маҳмуд Аз-Заҳарийнинг уйига ракета зарбалари берганлигига жавобан исроилликлар яшовчи аҳоли пунктларига ҳужумлар бошлашини билдирди.***



***Маълумотларга кўра, чоршанба куни эрталаб Исроил Ҳарбий ҳаво кучлари Ғазо шаҳридаги бир неча жойларга ҳужум уюштирган. Исроил вертолётлари(бошқа хабарлар бўйича F—16 қирувчи самолётлари) мамлакатда сўнгги икки террорчиликни зиммасига олган Маҳмуд Аз-Заҳарий яшаган бинога ракета зарбалари берган.***

*Reuters.*

### Японияда кучли тўфонлар



***Япониянинг жанубий ҳудудларида сўнгги ўн йилликдаги энг кучли тўфонлар содир бўлди. "Маэми" номли ушбу тўфонлар оқибатида 45 киши жароҳатланди, улардан 5 нафарининг аҳволи оғир. Бундан ташқари минглаб оилалар электр таъминотидан маҳрум бўлишди. Кучли бўрон уйларни вайрон қилиб, автомобилларни ағдариб юборди. Табиий офатнинг асосий зарбаси Мияко оролига тўғри келди. Метеорологик агентликнинг маълумотига қараганда, шамолнинг кучи баъзи жойларда соатига 200 километр тезликни ташкил қилди.***

*BBC.*

### Бозордаги портлаш

***Кеча Ҳиндистоннинг Жамму ва Кашмир штати маркази Сринагар шаҳридаги бозорлардан бирига жангарилар граната отиши оқибатида ўн нафардан зиёд киши жароҳатланди. Полициячиларнинг фикрича, ҳужум хавфсизлик хизмати вакилларига нисбатан уюштирилган бўлиши мумкин.***

*Reuters.*

### Ливия товон пули тўлайди

***Ливия ҳукумати 1989 йили уриб туширилган Франция йўловчи самолётида ҳалок бўлган 170 нафар кишининг қариндошларига товон пули тўлаш ҳақидаги шартномани имзоламоқчи. Маълумотларга қараганда, Ливия ҳукумати Триполида шартномани имзолаш маросимига журналистларни ҳам таклиф қилишган. Бундан бирмунча аввал Ливия ҳукумати ва қурбон бўлганларнинг қариндошлари ўртадаги келишмовчиликларни бартараф этиш бўйича музокараларни тугатишди.***

*Reuters.*

### Сўнгги 75 йилнинг энг муҳим воқеаси

***Американликлар 2001 йилнинг 11 сентябрь фожиасини сўнгги 75 йил ичидаги энг муҳим воқеа деб баҳолашди. Бу воқеани сўровномада иштирок этган 1037 нафар американликнинг 65 фоизи қайд этган. Сўровнома қатнашчиларининг 61 фоизи эса япониякликларнинг Перл — Харборга ҳужумини шу даврнинг энг эсда қоларли воқеаси сифатида баҳолади.***

*BBC.*

### Норозилик намойиши

***Польша пойтахти Варшава марказида кончилар ва полициячилар ўртасида тўқнашувлар бўлиб ўтди. Бир неча минг кончилар мамлакат иқтисодиёт вазирлиги биносига ҳужум қилишди ва бу ерга тартиб ўрнатиш учун етиб келган полициячиларга тез ёнувчи ёнилғи қуйилган шишалар, тошлар улоқтиришди. Полициячилар тартиббузарларга нисбатан кўздан ёш оқизувчи газ ва сув отгичлар ишлатган. Сўнгги хабарларга кўра, кончилар мамлакат Сейми биноси томон йўл олишган.***

***Кончилар ҳукуматнинг 2004 йилда Шпена воеводалигидаги 4 та шахтани ёпиш режаларига норозилик билдиришмоқда. Шахталарда ҳозир 6000 нафарга яқин кончи ишлайди.***

*ИТАР-ТАСС.*



### Миср: мозий ва келажак туташганда...



### Швеция ташқи ишлар вазирига суиқасд

Швеция ташқи ишлар вазири Анна Линд касалхонада ҳаётдан кўз юмди. Пайшанба куни номаъ-



лум киши Стокгольм марказидаги савдо шохобчаларининг бирида Линдни пичоқлаб кетган. Жиноятчи вазирнинг қўл, кўкрак ва қорнини жароҳатлаган.

Ушбу кўнгилсизлик туфайли Швеция Бош вазири Горан Перссон ҳукумат аъзолари хавфсизлиги чораларини кучайтириш зарурлигини таъкидлади ва мамлакатнинг евро ҳудудига кириши масаласи ҳал қилиниши керак бўлган умумхалқ референдумига тайёргарлик ҳаракатларини тўхтатиб қўйди.

### Бош котибнинг даъвати

БМТнинг Бош котиби Кофи Аннан ривожланган давлатларни ўз бозорларини ривожланмаган мамлакатлар учун очиб беришга чақирди.

"Мен камбағалликнинг ошишига олиб келувчи ва халқаро миқёсда ёрдам беришга халақит бераётган савдо сиёсатидан юз ўгириб, глобал иқтисодиётни вужудга келтирувчи ҳаракатларни қўллаб-қувватлашга чақираман", дейилади Кофи Аннаннинг Канкун учрашувининг иштирокчиларига мурожаатида.

Унинг фикрига қараганда, носоғлом савдо сиёсати дунёда миллиардлаб инсонларга зарар келтирмоқда.

### Кутилмаган узрлар

Яқиндагина ўзаро курашаётган Хорватия, Сербия ва Черногория президентлари 1991-1995 йиллардаги ушбу малакатлар фуқаролари томонидан амалга оширилган хунрезликлар учун бир-биридан узр сўрашди.

"Сербия ва Черногория президенти сифатида мамлакатим фуқаролари томонидан амалга оширилган тартибсизликлар учун хорват халқидан узр сўрайман", - деди Сербия президенти Светозар Марович.

Бу кутилмаган гаплар Хорватия президенти Месични тайёрлаб қўйилган баёнотни ўқишдан воз кечиб, жавобан узр сўрашга ундади.



Уруш йигирма мингдан кўпроқ одамнинг ёстиғини қуритди. 250 мингдан ортиқ одам дарбадарликка юз тутган.

**BBC.**

# УЧ ОЧКО УЧУН БИР МИЛЛИОН ДОЛЛАР

*Ўтган ҳафта Евро-2004 олтинчи саралаш гуруҳидаги Арманистон ҳамда Греция терма жамоалари ўртасидаги баҳсда меҳмонлар ғалаба қозонганидан хабарингиз бор. Ушбу муваффақият кўҳна юрт вакилларини деярли кейинги йили Португалияда бўладиган қитъа чемпионати иштирокчисига айлантирди. Бироқ... Учрашувдан сўнг уюштирилган матбуот анжуманида Арманистон футбол федерацияси президенти Рубен Айрапетяннинг журналистларга берган баёноти масалани чигаллаштириб юбориши мумкин.*

Гап шундаки, 7-тур ўйинлари олдидан ушбу гуруҳда жуда қалтис вазият юзага келган эди. Гуруҳ фаворити ҳисобланган Испания терма жамоаси 6 ўйиндан сўнг 11 очко, Украина 10 очко, греклар эса 12 очко жамғаргандилар. Улар Португалияга бориши учун навбатдаги учрашувда нима қилиб бўлса ҳам Ереванда Арманистон терма жамоасини мағлубиятятга учратишлари шарт эди. Акс ҳолда... Чунки айнан шу турда ўз майдонида Шимолий Ирландияни қабул қиладиган украинлар осонликча муваффақиятга эришишлари тахмин қилинаётганди.

Шу ҳолат грекларни анча ўйлантирган чоғи, улар Айрапетяннинг айтишича, қинғир йўлни тутишгача боришибди.

— Учрашувдан икки ҳафта олдин терма жамоамизнинг бир неча ўйинчилари федерацияга қўнғироқ қилишиб, номаълум шахслар Греция билан ўтказиладиган баҳсда ютқазиб берадиган бўлсалар катта миқдорда пул олишлари мумкинлигини хабар



қилишди. Тайинки, йигитларимиз бу таклифни рад қилишган. Шундан кейин ҳам улар музокараларни давом эттиришган. Терма жамоанинг аввалги мураббийи Варужан Сукисяннинг акаси Ерьандга мурожаат қилишган, — дейди Рубен Айрапетян.— У эса мен билан телефонда боғланиб, ўйинни ютқазиб берсак бир миллион доллар ишлашимизни айтди. Бу гапларни кассетага ёзиб олдим. Уни бир неча нусхада кўпайтириб, федерация раҳбар ходимларига ҳамда учрашув комиссари ТомасРесталл ( УЕФА инспектори)га берганман. Ресталл бу можароли иш билан шахсан ўзи шуғулланишини айтиб ўтди.

Ўйиндан ташқари ҳолат

Евро-2004 ўнинчи саралаш гуруҳида ғолиблик учун кураш олиб бораётган Швейцария терма жамоаси ўтган

### Дарвозабоннинг башорати тўғри чиқди

куни Россия футболчилари меҳмони бўлиб, ўз уйларига очкосиз қайтишларига тўғри келди. Ўйиндан олдин швейцариялик дарвозабон Цубербюлердан журналистлар «Қайси ҳужумчидан чўчияпсиз?» деб сўрашганида «Динамо» (Москва) аъзоси Дмитрий Буликиннинг ҳужумлари бошқаларникидан хавфлироқ» дея жавоб берган эди. Унинг хавфсираганича бор экан. Буликин Цубербюллерни учрашувнинг 20, 33 ва 59-дақиқаларида ўз дарвозасидан тўп олиб чиқишга мажбур қилди. Якуний ҳисоб — 4:1 бўлди.

**Дилмурод ПАРПИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

